



БАҲОЛОВЧИ ТАШКИЛОТЛАР РЕЙТИНГИНИ АНИҚЛАШДА ЗАМОНАВИЙ РАҚАМЛАШТИРИШ МОДЕЛИ

Ташпулатов Гиёс Тохирович

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби
“Бизнес ва тадбиркорлик кўникмалари”

кафедраси доценти в.б., (PhD)

e-mail: giyos_tashpulatov@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7155197>

ARTICLE INFO

Received: 30th September 2022

Accepted: 04th October 2022

Online: 07th October 2022

KEY WORDS

баҳоловчи ташкилотлар,
рейтинг агентликлари,
блокчейн, “Боғлиқ
субъектлар”,
рақамлаштириш, рақамли
трансформацияли
тузилмавий модел

Жаҳонда қийматни баҳоловчи ташкилотлар рейтинг ва рэнкинги баҳоланишини махсус эксперт-аналитик жараён ва бизнес, улар маҳсулотини бозор товари ва индикатори, буларнинг тўпламини яхлит иқтисодий категория ҳамда ушбу категория билан боғлиқ фан ва амалий фаолият соҳаси сифатида мамлакатлар иқтисодиёти ривожланишида муҳим роль ўйнаши эътироф этилган. Жаҳон амалиётида, рейтинг агентликлар томонидан баҳоловчи ташкилотлар рейтинг тегишли сифатий ва миқдорий кўрсаткичларни қамровчи учта базавий индекслар – бизнес-индекс, корпоратив индекс, молиявий индекс – асосида баҳоланади. Рейтинглари тузишда фойдаланиладиган кўрсаткичлар турли хил бирликларда ўлчаниши мумкин, шунинг учун интеграл рейтингни

ABSTRACT

Ушбу мақолада Ўзбекистонда баҳоловчи ташкилотлар ва улар рейтинг агентлиги фаолиятларини ўзаро боғлиқликда рақамлаштириш моделини яратиш муҳокама қилинган ва таклифлар келтирилган.

баҳолашда ўлчовсиз миқдорга ўтадилар, яъни маълум бир параметрнинг максимал ёки минимал намоиши бирлик сифатида қабул қилинади, сўнгра барча рейтинг объектлари учун ушбу параметрнинг максимал ёки минимал қийматига нисбатан ифода даражаси аниқланади. Бунда рейтингнинг ишончлиги тўғридан-тўғри дастлабки маълумотларнинг аниқлиги ва рейтинг-экспертнинг малакасига боғлиқ. Жаҳон амалиётида ушбу соҳа халқаро экспертларининг хулосасига¹ кўра, “.....

¹ Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш истикболлари. Халқаро валюта фондининг бюллетени, 2020 йил октябрь (www.imf.org); Жаҳоннинг рақамли ривожланиши тўғрисида доклад. ЮНКТАД, 2020 йил октябрь (www.unctad.org/diae); Жаҳон банки, БМТ, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD), Умумжаҳон иқтисодий форум, Ernst&Young, KPMG, McKinsey,



дунёда ушбу соҳанинг назарий-фактологик базиси, методологик ва институционал таъминоти шаклланган бўлсада, лекин глобал беқарорлик ва рисклар кучайиши, рақамли инновацион технологиялар жорий қилиниши, вируслар пандемиясининг кенг тарқалиши каби турли омиллар глобал рақамли муносабатлар ривожланиши шароитида баҳоловчи ташкилотлар фаолиятининг транспарентлиги ва рақобатдорлиги, рейтинги ва рэнкинги аниқлиги, тезкорлиги ва ишончлиги оширилишини талаб қилмоқда.

Глобал беқарорликлар шароитида баҳоловчи ташкилотлар ва улар рейтинг агентлиги фаолиятларини ўзаро боғлиқликда рақамлаштириш ҳозирги куннинг долзарб масаласига айланди [8]. Ушбу масала “Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегияси контекстида алоҳида аҳамиятга эга эканлиги [1] ва Давлат раҳбарининг баҳоловчи ташкилотлар томонидан мулк қийматини баҳолаш хизматлари бозори (МҚБХБ)да эгаллаган ўрни ҳамда бошқа мезонларга қараб бериладиган баҳоловчи ташкилотларнинг рейтингини жорий этиш билан боғлиқ топшириғининг [2] бажарилмаганлиги, иккинчи томондан эса, макроиқтисодий сиёсат таъсирида МҚБХБнинг миллий иқтисодиётдаги роли баҳоланмаганлиги, баҳоловчи ташкилотлар рейтинги ва рэнкингини Ўзбекистоннинг ҳозирги даврдаги ривожланиш шароити ва талабларига мос равишда аниқлаш имконини берувчи бирорта ҳам методология ва

рейтинг агентлиги йўқлиги, ушбу тадқиқотимизнинг заруратини белгилайди.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Ҳозирги вақтда баҳолаш фаолиятини рақамлаштириш масалалари (ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида) кўплаб олимлар ва мутахассисларнинг тадқиқот мавзусига айланди. Масалан, рақамли инновацион технологияларни иқтисодий ривожланишга жорий этишнинг муаммоли томонларини ўрганган чет эллик иқтисодчи ва тадқиқотчиларнинг илмий ишларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Масалан, Т.А. Гилева [4] рақамли трансформациянинг таркибини аниқлади, корхонанинг рақамли етуклигини бошқаришнинг ҳозирги ва мақсадли етуклик даражаси ўртасидаги тафовутни бартараф этишга асосланган концептуал схемани таклиф қилди, шунингдек корхоналарнинг рақамли иқтисодиётда ишлашга тайёрлигини таҳлил қилиш методологиясини тақдим этди. Ушбу натижалар орқали бизнесни баҳолашни рақамлаштириш учун фойдаланиш мумкин.

Е.А. Дямьянова [5] компаниялар учун баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича назарий принциплар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқди, компанияларнинг қийматида таъсир этувчи замонавий молиявий технологияларни жорий этадиган экзоген ва эндоген омилларни берди ва таснифлади. Бундай компанияларни янада аниқроқ баҳолашга имкон берадиган пул оқимлари ва реал имкониятлардан фойдаланишни яхшилади.

PricewaterhouseCoopers, Boston Consulting Group, Accenture Strategy, Huawei, Oxford Economics, Standard&Poors, Fitch Ratings, Moody's I.S.



Н.А.Седегов [6] баҳоловчи ташкилотларнинг ахборот тизимининг функционал тузилишини таклиф қилди ва шунингдек, баҳолаш хизматларини тақдим этишда баҳолаш ташкилотининг эҳтиёжларига жавоб берадиган баҳолаш тизимининг вазифаларини тавсифлайди.

Рақамли иқтисодийнинг замонавий фундаментал асослари профессор Ш. Шохаззамийнинг асарида [3] ҳамда баҳолаш фаолиятини рақамлаштиришга қаратилган ишларимизда [7, 8, 9] берилган бўлиб, улар рақамли баҳолаш ташкилотларида қўлланиладиган тизимли тадқиқотлар ва рақамли иқтисодийни қуриш учун назарий ва услубий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот ишни амалга оширишда мулк қийматини баҳолаш хизматлари бозорида баҳоловчи ташкилотлар ва рейтинг агентликлари фаолиятларини ўзаро боғлиқликда рақамлаштириш борасида дуч келадиган муаммоларни ҳал қилишда жаҳон экспертлари тажрибасини ўрганиб, иқтисодчи-олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Глобалл беқарорликлар, вирусли пандемиялар ва иқтисодийни рақамлаштириш шароитида бизнес ва кўчмас мулк қийматларининг пасайиши ва чет эл валютасидаги ижара

нархларининг пасайиши, битимлар сонининг камайиши, кредитлар қийматининг ошиши ва бошқалар кузатилган. Шу билан бирга, бизнес ва кўчмас мулкнинг қиймати билан боғлиқ муаммолар юзага келган, айниқса савдо ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган кўчмас мулкларнинг қийматини ҳамда бизнесни баҳолаш билан боғлиқ саволлар юзага келди. Нафақат мулк қийматини баҳоловчи ташкилотлар, балки улар рейтингини баҳоловчи агентликлар янги ҳақиқат бўлмиш пандемияга психологик жиҳатдан тайёр бўлмаган истеъмолчи(мижоз)лар кўз олдида ноиложлиги намоён бўлди. Бунга сабаб сифатида баҳоловчи ташкилотлар ва улар рейтингини баҳоловчи агентликлар (матннинг кейинги ўринларида – “Боғлиқ субъектлар” деб юритамиз) ушбу ҳақиқат талаб қилувчи рақамлаштириш масаласи ечимига тайёр эмаслигини кўрсатиш мумкин. Бунда “Боғлиқ субъектлар”ни рақамлаштириш деганда улар фаолиятига ахборот-коммуникацион технологияларнинг кенг қўлланилиши назарда тутилади. “Боғлиқ субъектлар” фаолиятига рақамлаштириш технологияларини жорий этиш давлатга, ушбу субъектларга ва уларнинг мижозларига молиявий ва маъмурий юкни камайтиради, молиявий, жисмоний ёки электрон активларга эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги энг сўнгги маълумотларни ўз ичига олган ахборотлар базасидан маълумот олишга имкон беради. Ушбу технологиялардан бири транзакцион блокларнинг блокчейн занжири (блокчейн).

Блокчейн технологияси орқали баҳолаш фаолиятини рақамлаштиришда



қуйидагилар амалга ошириш зарур ҳисобланади:

1) пандемия ва унинг сабаби ила иқтисодий инқироз “Боғлиқ субъектлар” хизматлари бозори ҳажмини кескин пасайтирганлиги уларнинг фаолиятини рақамлаштириш заруратини кучайтирди;

2) баҳоловчилар бир нечта ёндашувлар ва усулларни рақамли форматда қўллашни кўриб чиқишлари керак, айниқса ишончли хулосалар чиқариш учун битта усул учун ҳақиқий ёки кузатиладиган кириш маълумотлари етарли бўлмаганда. Агар битта ёндашув доирасида бир нечта ёндашув ва усул ёки ҳатто бир нечта усул қўлланилса, мустақил баҳолаш натижаси мантиқий ва оқилона бўлиши керак ва турли усуллар билан олинган натижаларни таҳлил қилиш ва мувофиқлаштириш жараёни тушунарли бўлиши лозим;

3) рейтинг агентликлар ўз методологияси ва рейтинг баҳолаш бизнесини рақамлаштириш зарур;

4) баҳоловчи ташкилотлар ахборот базада жамланган олдинги инқирозлар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш керак, шуни таъкидлаш мумкинки, ижара ставкалари сотиш нархларига қараганда ўзгаришларга эга бўлади, шу билан бирга битимлар нархи инқироздан олдинги даврдаги вазиятни акс эттиради. Ушбу ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда, вақт ўтиши билан даромадлар ва қиёсий усуллар ўртасидаги тафовут сезиларли бўлиши мумкин. Қиёсий усул инқироздан олдинги даврда қайд этилган операциялардан фойдаланган ҳолда, уларни бозорнинг ҳозирги ҳолатига мослаштириш тавсия этилади. Инқироздан олдинги даражани акс

этирувчи таклиф нархларига келсак, таклифларни тузатиш ҳажмини ошириш тавсия этилади. Агар бундай тузатиш амалга оширилмаса, қиёсий усулга даромадлар асосида баҳолаш усулига нисбатан солиштирма оғирлик тайинланиши мумкин, бу эса мулк бозорини ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олади;

5) рейтинг агентликлар аввалги даврлардаги рейтинг баҳолар базаси маълумотларини таҳлил қилиш асосида баҳоловчи ташкилотлар рейтингини инқирозий ҳолатда рақамли форматда баҳолаш бўйича зарурий хулоса, қарор ва чоралар шакллантириши лозим;

6) баҳолашнинг рақамли фаолиятида даромад ёндашуви асосида баҳолаш усулидан фойдаланганда, фойдаланилган ижара ставкалари инқироздан олдинги даврда қайд этилган даражага мос келишига эътибор бериш тавсия этилади. Олдинги инқирозларда кўчмас мулк бозорларидаги ҳатти-ҳаракатлар таҳлили асосида прогнозларда ижара даромадининг пасайиши эҳтимолини ҳисобга олиш тавсия этилади. Дисконтлаш ставкасини аниқлашнинг кумулятив усулидан фойдаланганда, бозорда баҳолаш объектларининг таъсир қилиш вақтини кўпайтириш эҳтимолини ҳисобга олиш керак. Агар иккита ёки ундан кўп альтернатив сценарий мавжуд бўлса, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда тавсифланиши керак бўлган энг эҳтимолий сценарийга асосланган бўлиши керак;

7) баҳолашнинг рақамли фаолиятида баҳоловчи мулк қийматини баҳолаётганда кризисдан олдинги мезонларни қўлламаслиги керак, чунки бу ёндашув қийматни инқироздан



олдинги даражага қайтади деган нотўғри хулоса келтириб чиқаради;

8) баҳолаш тўғрисидаги рақамли форматда шакллантирилган ҳисоботда даромад усулини қўллашда мулк қийматини таҳлил қилиш, баҳолаш натижалари асосида мижоз ва фойдаланувчиларни кейинчалик хабардор қилиш учун, моделдаги фойдаланишда киритилган параметрларнинг ўзгариши натижасида баҳолаш объекти қийматининг ўзгаришини аниқлайди. Шунинг эса тутиш керакки, ҳар қандай ноаниқлик таҳлилининг мақсади келгуси саналар учун ҳисобот қийматининг мумкин бўлган тебранишлари прогнозини бериш эмас, балки маълум бир баҳолаш кунда содир бўлган воқеаларни ҳисобга олган ҳолда қийматнинг ўзгарувчанлиги тўғрисида маълумот беради;

9) “Боғлиқ субъектлар” рақамли форматдаги фаолиятида уларнинг профессионал хавфсизлигини

таъминлашнинг зарурий шартин жорий бозор маълумотларини доимий равишда таҳлил қилиш ва бухгалтерия ҳисоби, шунингдек пандемия ҳолатида баҳолаш масалалари бўйича баҳоловчилар профессионал уюшмалари ва етакчи халқаро баҳолаш ташкилотлари ва рейтинг агентликларининг позициялари бўйича тавсияларини қўллаш зарур.

Юқоридагилар асосида Ўзбекистонда баҳоловчи ташкилотлар ва уларнинг рейтинг агентлиги фаолиятларини рақамлаштиришни ўзар боғлиқ бўлган учта йўналишда амалга оширишни тавсия қилиш мумкин (1-жадвал): мижозлар билан ишлаш; бизнес-модель; операцион жараён. Ушбу йўналишларнинг ҳар бири рақамли трансформациянинг амалга оширилишини таъминловчи учтадан элементга бўлиниб, уларнинг барчаси “Рақамли бизнес компетенциялари” билан узвий боғлиқ бўлади.

1-жадвал.

Баҳоловчи ташкилот ва рейтинг агентлиги фаолиятларининг ўзаро боғлиқликдаги рақамли трансформациясининг тузилмавий модели

Мижозлар билан ишлаш			Барча йўналиш учун умумий элемент: “Рақамли бизнес компетенциялари”
1. Мижозларни яқиндан билиш, талаб ва ҳоҳиш-истакларини тушуниш	2. Мижозлардан тушумни ошириш	3. Мижозлар билан муносабатларнинг янги манфаатли нуқталарини қидириш ва топиш	
Бизнес-модель			
4. Янги технологияларни мақсадли жорий қилиш	5. Номаълум инновацион рақамли бизнес-моделларни жорий қилиш	6. Рақамли глобллашув	
Операцион жараён			
7. Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш	8. Ҳодимларнинг ижодий потенциалидан самарали фойдаланиш	9. “Катта ҳажмдаги ахборотлар (Big data)” таҳлили асосида самарадорликни бошқариш	



Келтирилган 1-жадвалда “Бизнес-модель” иккита функцияни бажаради: ташқи (1, 2, 3) ва ички (7, 8, 9) элементлар фаолиятини (яъни “Мижозлар билан ишлашни” ва “Операцион жараённи”) ўзаро боғлайди; баҳоловчи ташкилотлар ва уларнинг рейтинг агентлиги фаолиятларини бири-бири билан узвий боғлайди.

Ўзбекистоннинг ҳозирги шароитида баҳоловчи ташкилотлар ва уларнинг рейтинг агентлиги учун биринчи йўналиш “Мижозлар билан ишлаш” элементлари (1, 2, 3) муҳим ҳисобланади. Чунки ушбу баҳоловчи ташкилотлар ва уларнинг рейтинг агентлиги фаолиятларининг рақамли трансформацияси мижозлар сони ортишини таъминлаши зарур.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса сифатида айтиш мумкинки глобалл беқарорликлар, вирусли пандемиялар ва иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида товарларнинг нархлари, бизнес ва турли мулк қийматларининг пасайиши ҳамда чет эл валютасидаги ижара нархларининг пасайиши, битимлар сонининг камайиши, кредитлар қийматининг ошиши ва бошқа салбий ҳолатлар юзага келиши билан боғлиқ муаммолар нафақат мулк қийматини баҳоловчи ташкилотлар, балки уларнинг рейтингини баҳоловчи агентликлар янги ҳақиқат бўлмиш пандемияга психологик жиҳатдан тайёр бўлмаган истеъмолчи(мижоз)лар кўз олдида ноиложлиги намоён қилди. Бунга сабаб

сифатида баҳоловчи ташкилотлар ва уларнинг рейтингини баҳоловчи агентликлар ушбу ҳақиқат талаб қилувчи рақамлаштириш масаласи ечимига тайёр эмаслигини кўрсатди.

Бугунги кунда жаҳонда ва Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт, жумладан, унинг таркибида “Боғлиқ субъектлар” ҳам, замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барча соҳаларини қамраб олган глобал тенденция ва ҳодисага айланди.

“Боғлиқ субъектлар” фаолиятига рақамлаштириш технологияларини жорий этиш давлатга, ушбу субъектларга ва уларнинг мижозларига молиявий ва маъмурий юкни камайтиради, молиявий, жисмоний ёки электрон активларга эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги энг сўнгги маълумотларни ўз ичига олган ахборотлар базасидан маълумот олишга имкон беради. Ушбу технологиялардан бири транзакцион блокларнинг блокчейн занжири (блокчейн). Зеро, блокчейн бизга баҳоланган объекти билан боғлиқ барча маълумотларни, шу жумладан, баҳоланган ёндашувларини (даромадли, қиёсий ва харажатли) ва тегишли маълумотлар базасини тўплашга ёрдам беради.

Баҳоловчи ташкилотлар ва рейтинг агентликлар фаолиятларининг рақамлаштирилиши рейтинг ва рэнкинг баҳоланганнинг ҳамда мулк қийматини баҳоланганнинг самарадорлигини бирдек ўзаро боғлиқликда кескин оширади.

References:



1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги №УП-6079-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 1 июлдаги №ПҚ-4381-сон Қарори.
3. Шохазамий Ш.Ш. Трактат о смарт цифровой республике. Монография. –Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020. - 352 с.
4. Гилева Т.А. Цифровая зрелость предприятия: методы оценки и управления. Экономические науки. Вестник УГНТУ. Наука, образование, экономика. Серия экономика. - 2019. - №1 (27). - С. 38-52.
5. Демьянова Е.А. Актуальные вопросы стоимостной оценки компаний в условиях финтех. Стратегические решения и риск менеджмент. - 2018. - №1 (106) С. 102-117.
6. Седегов Н.А. Информационная система оценки деятельности организаций. «Научно-практический электронный журнал Аллея Науки» - 2018. - №4(20).
7. Ташпулатов Г.Т. Баҳолаш фаолиятида блокчейн технологиясини қўллаш масалалари. // “Рақамли иқтисодиёт: янги Ўзбекистонни янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари орқали ривожлантиришнинг янги боқичи” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциянинг материаллари тўплами. (DEUZ) 4-қисм, 5-секция. 26 февраль 2020 йил–Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 55-59 бетлар;
8. Ташпулатов Г.Т. Коронавирус пандемияси шароитида баҳолаш фаолиятини рақамлаштиришнинг зарурати. // “Молия ва банк иши” электрон илмий журнали. II сон. Март-апрель, 2020. – 310-314 бетлар;
9. Ташпулатов Г.Т. Ўзбекистонда баҳоловчи ташкилотлар ва улар рейтинги баҳолаши фаолиятларини ўзаро боғлиқликда рақамлаштириш модели. // «Рақамли иқтисодиёт Ўзбекистонда ривожлантириш истиқболлари ва жаҳон амалиёти» мавзусидаги халқаро илмий-амалий онлайн конференция материаллари тўплами. Тошкент, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, 2020 йил 24 декабрь. – 925-929 б.